

Машхура УСМОНОВА

НАРҶ

ОҶ
КАБУЖАР

-ҲИКОЯЛАР-



“Фаргона” нашриёти-2005

84(55) 6-44 Бадиий адабиёт


Машхура Усмонова.

Оқ кабутар. (Ҳикоялар).

“Фаргонд” нашриёти, 2005, 24 бет.

Ю31678
0

© М.Усмонова, “Фаргона” нашриёти



АРМОН

ДАЛА. Кўз илғамас кенгликлар. Тупроқ йўлда эса илон излари шундоққина кўзга ташланади.

-Дадажон етиб келдикми? - деди сочлари жамалак, ўзи ҳам қорамгаиз қизалоқ отасининг қўлларига ёпишиб.

-Ҳа, она қизим. Етиб келдик. Кўрдингми, ҳў ана, самолёт. Қанотлари катта, осмонга учади, - деди Рашидбек овозини кўтарганча.

-Вой, осмонга учади? Қандай қилиб? Биз ҳам учамиз-а?!

-Учамиз, учамиз, қизим.

Рашидбек қизининг сочларини силаб қўйди-да, узоқларга тикилиб қолди. Даланинг ҳавоси ўзгача. Уч-тўрт чақирим нарида - бир томони пахтазор бўлган ерда деҳқончилик қилади. Ёмон эмас, тирикчилик ўтиб турибди, элдан кам бўлгани йўқ. Олти боласи бор. Хотини ҳам меҳрибон. Шукур, катта қизини узатди. Иккинчиси бу йил институтга кирди. Қолганлари ҳам эсли-ҳушли, мактабда аълочи бари. Етимлик билан катта бўлганди, ўзи. Худо ҳамма нарсани беряпти. Аммо "Ўтдим деганда йиқилмасам, бўлди-да!", - У шундай деганча кўкси аралаш қорнини силаб қўйди. Унинг худди шу ерида қаттиқ оғриқ бўлмаса-да қандайдир нохушлик бор эди. Овқат едими, ташлайди. Мана энди сув ичса ҳам ҳазм бўлмаяпти. Ишқилиб, шу болаларнинг бахтига жони омон бўлсин-да. Айниқса, мана шу кенжатойи учун!

-Дада, дада, - деди Шаҳло бидирлаб. - Самолётда учайлик!

Рашидбекнинг хаёли тумандек тарқаб кетди.

-Юр, бир илтимос қилиб кўрамиз, - деди у қувноқлик билан. Аммо улар етиб боргунча пахта даласига дори сепишга тайёрланиб турган самолёт бир оз югуриб бордию осмонга учиб кетди. Шаҳло ҳайрат тўла кўзлари билан унга тикилиб қолганди.

-Кўрқма қизим. Самолёт дегани шу. Ҳозир яна қайтиб келади. Кейин биз ҳам чиқиб учамиз, бирга. Рашидбек худди

шу сўзларни айтдию, кўнгли беҳузур бўлиб қайт қила бошлади. Хаёлидан “докторга учрамасам бўлмайди, шекилли”, - деган ўй ўтди...

Шифохонанинг тор йўлаклари. Бошларига оқ боғич боғлаб олган Шаҳлонинг юраги қинидан чиққудек дук-дук уради. Гўё ўзи ҳам қушдек енгил. Ахир бугун меҳрибон дадажонисини кўради-да, Даданг касал, - деб уларни шунча кун кўрсатишмади. Бугун эса, байрам. Бугун уйга олиб кетарканмиз. Энди зўр-да! Ҳаммамиз яна бирга бўламиз! - У шу сўзларни пичирлаб айтганча Рашидбек ётган хона эшигини очди. Кўзлари қизарган онаси деди:

-Кел, қизим, келақол. Дадангни кўриб олгин.

Шаҳло хурсанд бўлганча ичкарига қадам қўйди. Каттагина каровот. Унда озиб-тўзиб кетган Рашидбек ҳушсиз, кўзлари юмуқ ҳолда ётарди. Қўлларига игналар санчилган. Шаҳло кўрқиб кетди. -Йўқ, бу дадаммас!, - деди бақириб. Дадамни, дадажонимни топиб беринглар, менга. Қани мени дадам?!!! Шаҳло ташқарига отилиб чиқиб кетмоқчи эди, ойиси унинг қўлларидан тутди.

-Шошма қизим. Бу сенинг даданг. Ҳозир касал-да. Ўшанга танимадинг, қизалоғим...

Онаси Шаҳлони каровот олдига етаклаб борди.

-Дадаси, ҳой дадаси, Шаҳло келди, - деди пичирлаб. Бироз ўтгандан сўнг унинг қўллари қимирлаб, кўзларини очди. Дадаси эканлигини билган Шаҳло баттар йиғлаб юборди. Шунда Рашидбек:

-Йиғлама, - деди зўрғагина. Шаҳло энди анча ўзига келиб олган эди.

-Дадажон, дадажон!

-Қизим!

Рашидбек жуда ҳолсиз эди. У шу дамда қизалоғини эркалатолмас, ҳатто бирор сўз айтишга ҳам мадори йўқ. Унинг кўзлари ёшланди. Жовдираган қизчаси ҳамон унга ҳайрат ила боқиб турарди. Рашидбекнинг ичида нимадир “чирт” этиб узилгандай бўлди. “Эссиз бахти ярим экан бу етимчани. Ўзи-ку, ота-она меҳрисиз улғайган эди. Энди, худонинг иродаси билан ёш умри хазон бўлиб кетмоқда.

“Оғзи ошга етганда, боши тошга тегибди”, деганлари шу бўлса керак-да! Дарди давосиз. Умри қанча қолгани ноаниқ. Рак экан. Рак!!!

Бу дард қандай илашди, ҳамма ҳайрон. Начора, кўнмоқдан ўзга йўл йўқ. Аслида бир бошга бир ўлим. Аммо гўдаклар ҳоли не кечаркин. -Дадажон, дадажон, - деган майин овоз келди узоқлардан. -Қизим, қизалоғим, - деди Рашидбек ҳам зўрғагина.

-Дада, юринг самолётда учамиз, туринг ўрнингиздан, тура қолинг, - деди Шаҳло кўзидаги ёшни артиб. Рашидбек қўлларини кўтариб, қизчасининг сочини силамоқчи бўлди. Аммо кўтаришга куч қайда? Бир пайтлар тоғни урса талқон қилувчи қўллар мадорсиз эди, ҳозир. Бир ой тўлмай касаллик емириб ташлади. Аслида етилиб қолган экан-да!

-Учамиз қизим, албатта учамиз. Фақат ҳозир бошқа ёққа учиб кетяпман. Бошқа ёқларга. Сен эса ақлли қизча бўлгин, а...

Рашидбекнинг томоғига нимадир тиқилиб бўғилгандай бўлди. У шошганча хотинига имо қилиб қизининг пешонасининг яқинроқ келтиришини сўради. Онаизор бу илтимосини бажо келтирди. Рашидбек қизининг пешонасидан ўпар экан “Бахтли бўл”, - деди пичирлаб. Ва “оғзингни оч”, дея имлади Шаҳлони. Унинг оғзига пуфлаб қўйгандай бўлди. Тобора нафаси қисиб борар, кўзлари хиралашиб, осмонларга учиб кетаётгандай эди.

У сўнги бор қизи, хотини, яқинларига қаради. “Алвидо”, - дегандай кўзларини очиб юмди. Шаҳлони хонадан олиб кетинглар, дегандай қўлларини қимирлатди. Буни сезган Шаҳло дод солганча отасининг қўлларига ёпишиб олди.

-Дадажон, самолётда учиб кетманг. Майли мен ҳам учмайман дадажоним, - дерди бақариб. Аммо меҳрибон отажонисининг бир умрга узоқларга учиб кетганини ҳатто тушунолмасди ҳам.

ОППОҚ КАБУТАР

КЕНГИНА ҳовлига баланд қилиб солинган иморатлар жим-житлик кучоғига сингиб кетгандай! Ҳамма оёқ учида юради, шивирлаб гаплашади. Ҳатто ҳар доим ҳуриб, ҳовлини бошига кўтарадиган Тарзан ҳам хомуш. Бошини икки оёғининг орасига олганча каттакон дераза олдида ётибди. Тез-тез дераза томонга қараб, қулоқларини қимирлатиб кўяди. Худди шу пайт ичкаридан қадам товуши эшитилди. Юзлари анчагина шишиққан, уйқусизликдан кўзлари қизарган Ботиржон “уф” тортганча дарвоза томонга қараб йўл олди. У докторни кутаётган эди. Бироз вақт ўтгач, чамадонча кўтарган доктор ва Ботиржон шошиб уй ичига кириб кетишди.

Оппоқ чойшаб солинган ўринда беш-олти яшар атрофидаги Бобур иситмага куйиб ётарди.

- Ҳа, полвон. Нима бўлди? - деди доктор ҳазиллашиб Бобурга. Унинг ўрнига отаси Ботиржон:

- Кўрмайсизми, икки кундан бери аҳвол шу. Иситма чиқиб безовта қияпти. У қилдик, бу қилдик, фойдаси йўқ, - деди куйиниб.

- Хўш йигитча, қани, буни қўлтиғингга тиқ-чи.

У қўлидаги иссиқ ўлчагични Бобурга тутқазди. Чиндан иссиғи баланд, эди, боланинг. Доктор дарров укол тайёрлай бошлади. буни кўрган Бобурнинг ранги оқарди. Қийратганча игна санчдилар, унга.

Орадан уч соат ўтди ҳамки, ўзгариш йўқ. Бобур тобора иссиғи кўтарилиб алаҳсирай бошлади. “Кабутарим, беринг уни”, - дерди инграниб. Ботиржоннинг боши қотиб қолди. Яна бояги докторни етаклаб келди.

- Ия, боланинг аҳволи чатоқ-ку! Қани тез бўлинглар, шифохонага олиб борамиз, - деди доктор Бобурнинг пешонасини ушлаб. Ботиржон бу гапдан шошиб қолди. У нима қилаётганини билмас “Шоҳида, тез нарсаларни тайёрла”, - деб хотинига гулдурадди, холос. Худди шу пайт Бобур “Кабутаримни беринг, беринг”, - деб яна алаҳсирай

бошлади.

- Қанақа кабутар, - деди доктор ҳайрон бўлганча.

Ботиржон эса “шунчаки уйдаги кабутар-да”, - деб қўя қолди. Аммо доктор тажрибали эди.

- Ўша кабутар қандай, кимники эди? - деди саволини такрорлаб. Унинг қиёфаси шу дамда жуда жиддий эди. Ботиржон унинг юзини кўриб бироз ўзини босиб олди-ю, икки кун олдинги воқеани эслади.

Ботиржон кабутар ишқибози. Бўш қолди дегунча ҳовли этагига чопади. Томга чиқади. Ҳуштак чалиб эллиқдан ортиқ кабутарларни осмону фалакка учиради. Бу унинг севимли машғулоти. Олти яшар ўғли Бобур ҳам ота ўғил-да! Тўғрироғи, унинг тап-тайёр думи. Ерда бўлса ерда, томга чиқса яна ёнида-да! Ўзича хуштак чалиб қийқиради, “ғули-ғули”, - деб овоз чиқариб кабутарларга дон сепади. Айниқса думлари узун, тумшуғи сал қайрилган оқ кабутар унинг жонидили. Жонивор ҳам унга ўрганган. Ҳовли саҳнида пайдо бўлиб “қули-қули” деб қичқириши билан галасидан ажралиб келиб унинг олдига қўнади. Бола унга дон беради. Кичиккина қўллари билан бошини силаганини кўриб Ботиржон ўглининг қилиғидан хурсанд бўлиб қўяди. Ахир қушларни севган инсоннинг қалбида ёмонлик уруғи ниш урмаслигини жуда яхши билади-да!

Ўша куни энг яқин дўсти Равшан иккита сумкани тўлдирганча уйга кириб келди.

- Эй, ошна, юрибсанми? Бормисан, бу дунёда, - деди икки дўст бир-бирига. Улар жуда қалин, ораларидан қил ўтмасди. Равшан эндигина солинган кўрпачага ўтирмай туриб муддаога кўчиб қўяқолди.

- Ботир, тез кетаман. Шошиб турибман ўзи. Битта илтимос билан келдим. Биласан, бугун ўғлимнинг туғилган куни. Кабутар олиб келаман, деб ваъда бергандим. Ўшанга...

Ботир дўстининг илтимосини тез тушунди. Чордоққа чиқиб ёққанини танлаб ол, дўстим, - деди у. Меҳмон ҳовли этагидаги том чордоғига чиқди. Равшан кабутарлар ичидан битта оқ, битта қора кабутарни ушлаб олди. Ҳадя қилинган кабутарларнинг бири Бобурнинг ўша севимли кабутари эди.

Буни қўй, бошқасини ол, дегани истиҳола қилди Ботиржон.

Бобур доимгидай кўчадан ўйноқлаб кирганча кабутарлари ёнига келди. “Ғули-ғули” қилиб уларга дон соча бошлади. Аммо кўзлари безовта. Уёқдан-буёққа зир-зир югурар, гоҳ томга чиқиб улар қўниб турадиган дорходага қараб тушарди. Аввалига ўғлининг бу қилиғига кулиб қўйган ота гап нимадалигини фаҳмлаган эди.

- Бобур, кабутарингни Равшан амакинг ўғлига олиб кетди. Унинг туғилган куни экан, - деди Бобурнинг бошини силаб. Бобур дадасининг бу сўзларини эшитиб қошларини чимирди, йиғлаб юборай деганча уйга кириб кетди. Худди шу куни тунда унинг иссиғи кўтарилган эди.

Доктор Ботиржоннинг бу сўзларини эшитиб ўйлашиб қолди. Кейин қошларини чимирганча:

- Ука, энди сиз дўстингизникига бориб ўша қушни олиб келасиз. Йўқса, Бобуржоннинг иссиғи тушмайди.

Гап нимадалигини фаҳмлаган Ботиржон эътиборсизлик қилгани учун ўзини койиган кўйи шошганча дўстининг уйига отланди. Бироқ ҳовлига чиқибоқ қичқириб юборди: - Бобуржон, қара кабутаринг қайтиб келибди! Ана у!

Бироз ўзига келиб кўзларини очган Бобуржоннинг нигоҳи дераза ортида - сўритокда турган ўзининг оплоқ кабутарига тушди. Бобуржон суюниб кетди.

Бироздан кейин эса, дадаси кўмагида ҳовлига чиққан бола қўлига келиб қўнган кабутарни эркалай бошлади. Ўзини анча яхши ҳис қилаётганди шу дамда.

Яна тонг. Кичкина Бобур дўмбоққина қўллари билан оқ кабутарига дон сепеди. Ора-орада “ғули-ғули”, - деб овоз ҳам чиқариб қўяди. Ўғлига тикилиб турган Ботиржон кўзларига ёш олганча “Етти мучанг омон бўлсин, ўғлим” - деди пичирлаб. Худди шу дам ўғлининг севимли кабутари унинг бошидан уч бор айланганча осмону фалакка кўтарилди.

ТУҲМАТ ТОШИ

МАКТАБ ҳовлиси қий-чувга тўлиб ётибди. Ҳамма хурсанд. Айниқса йигитларнинг оғзи қулоғида. Қизлар ҳам улардан кам эмас. Ахир бугун ҳамма қанот чиқарганча кенг пахтазор томон йўл олмоқда. “Ура-ура” - билан кровату, кўрпа-тўшакларни катта машиналарга юклаб бўлишди. Кейин барча автобусларга чиқиб ўрнашиб олдик.

- Райҳон, сувинг борми? - деди синфдошим Барно.

- Йўқ, - дедим беихтиёр кўрслик билан. Негадир Барнони жиним ёқтирмас, ўзи ҳам жуда тортинчоқ, камсукум қиз эди. Бечора кўпол муомаламдан сўнг индамай қолди.

Йўлга чиқдик. Манзил анчагина олис экан. Ҳаммамиз қийқириб-қийқириб чарчадик шекилли, бироз тинчиб қолдик. Шундагина кўзим дераза ойнасига тикилганча чуқур хаёлга чўмиб қолган Барнога тушди. Узоқ кузатдим. Биз ётоқхонага боргунимизга қадар маъюс нигоҳлари бир нуқтага қадалганча жим кетди. Юрагим ачишгандай эди. Бироқ бу узоқ давом этгани йўқ. Шўхлигим сабаб яна қий-чувлар уммонига чўкиб кетдим.

Ётоқхона. Қатор териб қўйилган кроватлар устига оппоқ тўшаклар тўшалган. Фақат каттакон залнинг бир чеккасида Барно ўз кўрпасини ерга солишга ҳаракат қиларди. “Эссиз, кровати йўқ экан-да?”

Яна шўхликлар, қий-чув. ҳамма синфдош қизлар ўзлари билан олиб келган ноз-неъматларини ўртага қўя бошладилар. Аммо Барно дастурхон атрофига яқинлашай демасди. Уни қанча чақирсам ҳам яқин йўламади.

Кенг пахтазор. Куни билан пахта терамиз. Ҳамма ҳар хил. Аммо Барно жуда эпчил экан, барчадан кўп теради. Чиройи ҳам бироз очилиб қолган. Назаримда синфдошларга қўшилгандай эди.

- Райҳон, шу писмиқни ҳеч ёқтирмайман-да, - деди яқин дугонам Гуласал.

- Нимага? - дедим ҳайрон бўлганча.

- Билмадим-у, қўли бироз эгрироққа ўхшайди.

- Нимага ундай дейсан? - дедим қизиқиб.

- Ёстиғим тагига қанд-қурс беркитгандим, камайиб қолгандай, - деди Гуласал қошларини чимирганча. Унинг сўзларига кулиб юбордим. Ҳазил қилаётган бўлса керак деб ўйладиму ишимни давом эттиравердим. Ўзи Гуласал жуда ҳазилкаш, бироз ўткирроқ, ҳасадчироқ эди. Барно эса қаторасига икки беш кунликда мақтов ёрлиқ ва пул мукофоти олганди, шунга ғайирлиги келди шекилли. Аммо бу гап кечга бориб қизлар орасида тарқаб кетди. Ҳамма Барнога ғалати қарай бошлади. Бироқ бу ҳолва экан.

Уйга бориб келиш навбати етган Барно менинг олдимга келиб:

- Райҳон, ойим бетоблар... Икки-уч кун келолмасам керак, - деди ҳазин товуш билан. У негадир одамови бўлиб қолганди, яна.

Теримга чиққанимизга бир ойча бўлди. Биз тераётган майдонларда чаноқлар анча бўшаб қолган. Шундай бўлса-да чарчоқ нима билмаймиз.

Ётоғимизга етиб олсак бас, ювиниб-таранамизу, ўйин-кулгуга ошиқамиз.

Бу кеч хонандалар келадиган кун. Ва ниҳоят анча кўникиб қолган ётоқхонага келдик. Барнонинг ерга тўшалган жойи йиғиштириб қўйилган. Ўрни бўм-бўш. Бор-йўқлиги билинмайди ҳам.

Бироз ўзимизга оро бериб ташқарига чиқиб кетаётган эдик, Гуласалнинг қийқирган овози қулоғим остида жаранглади.

- Вой, мени сирғам йўқ, қизлар. Ҳаммамиз “ялт” этиб Гуласал томон қарадик. Унинг жовдираб турган кўзлари ёшга тўлган эди.

- Тилла сирғаларимни эрталаб сумкамга солиб кетувдим. Бир зумда ўқитувчиларимиз етиб келишди.

- Тинчликми, Гуласал? Нима бўлди?

- Сирғам... У шундай деганча йиғлаб юборди. Ҳамма ҳайрон. Бирдан Гуласал сакраб ўрнидан турди-да, овозини борича:

- Уни ким олганини биламан. Ўғри. Бугун уйига

кетаётганда олиб кетган!

Ҳамманинг хаёлига Барно келди. Гуласал аввал ҳам унинг “қўли қинғир”, эканлигини билиб юрганди. Энди ҳаммаси равшан. Барнони эртасига барчамиз кутдик. Аммо келмади. Унинг “Ойим бетоблар”, - дегани жаҳл устида хаёлимдан кўтарилиб кетган эди. Гуласал жанжал қилиб Барноларнинг уйига бориб келди. Ҳатто ўқитувчилар тинч ўтирганлари йўқ. Ҳамманинг оғзида Барно. У қип-қизил ўғри эди.

Ниҳоят далаларда пахта тугаб ортга қайтдик. Аммо Барно мактабга қайтиб келмади. У уялиб бошқа мактабга ўтиб кетган экан.

Қиш ортда қолиб, баҳор атрофга сепини ёйиб ташлаган. Оғир пўстинларни ечиб, анча енгиллаб қолгандик. Наврўз арафасида Гуласални уйларига чақириб боргандим, ойиси чиқиб келди.

- Вой, кел Райҳона. Қани ичкарига кир, - деди қучоқ очиб сўрашар экан. Аммо шу дам кўзларимдан ўт чақнагандай эди. Нигоҳларим Зарифа опанинг қулоқларида. Унда бир жуфт исирға нур таратарди. Бу ўша, Гуласал пахтада “йўқотдим”, - деган сирға. Худди шу дам ўша кун тонгдаги манзара кўз олимга келди. Иш кийимларини кияётган Гуласалнинг қулоқларида сирғаси бор эди-ку. “Ўз кўзларим билан кўргандим-а?! Наҳот у шундай разилликка борса? Бир инсон бошини кўпчилик олдида эгиб, шаънига ювса кетмайдиган доғ солса?” Худди шу пайт ичкаридан Гуласал очилиб-сочилиб чиқиб келди. Мен эса... Худди жирканч маҳлуқни кўргандай ижирғаниб қарадиму, овозимни кўтариб: - Гуласал исирғанг йўқолмаган экан-у, Нега Барнони ўғри қилдинг? - дедим.

- Нима? Қандақа исирға, - дея савол берди Зарифа опа.

- Қизингиз, бечора Барнони ўғрига чиқариб, шарманда қилди-ку?!

- Вой, шўрим. Гуласал бу нима қилганинг? Ахир буни таққим йўқ, дегандинг-ку?!

Мен эса ғазаб билан ташқарига йўл олдим. Тўғри

келдим-да, бор ҳақиқатни синфдошларимга айтиб бердим. Ҳамма ғазабда. Барчамиз йиғилиб қўшни мактаб томон йўл олдик. У ерда ҳам байрам экан. Кўзимиз эса Барнога тушди. У жуда ўзгарибди. Чиройли, юзларида табассум. Аммо бизни кўриб ранги ўзгарди. Бунинг сабаби аниқ. Аммо кучоқ очиб кўришдик у билан. У хурсанд бўлди. Айтишича, қандайдир танловда ғолиб чиқибди, сентябрдан ўқишни Америкада давом эттираркан. “Бахт” - деганлари шу бўлса керак-да!

ИЗТИРОБ

Бугун бутун қишлоқдаги бир хушхабар Назокат ўқитувчига ёқмаган эди. У бу хабарни эшитган заҳотиёқ ранги оқарди. Зўрға уйига кириб келди-да, юмшоқ ўринга чўзилди. “Наҳотки Фарҳод ўқишга кирган бўлса?! Яна қаерга денг, “Ҳуқуқшунослик”қа-я?!!” У ўзининг қилмишини хаёлига келтирди. Қанчалар шармандалик.

Назокат опа мактабда она тили ва адабиётдан дарс берар, Фарҳоднинг онаси Лобар билан бир синфда ўқиган синфдошлар эди. Аммо Лобарни у бир тийинга олмас, тирикчилик ташвишлари эзиб қўйган синфдошига қиё ҳам боқиб қўймасди. Ўғли Фарҳод аъло баҳоларга ўқиса-да юпунгина уст-боши кимларнингдир назарида иқтидорига соя ташлагандай эди. Айниқса, Назокат ая Фарҳодни барчани олдида уялтириб “Онанг уст-бошинга қараса бўлмайдими?”, - дерди. Ўртача ўқийдиган Сурайёни синфнинг олди бўлишини жуда-жуда хоҳларди. Чиндан Сурайё чиройли, озода қиз. Бироқ билим борасида Фарҳоднинг олдида ип эшолмаслиги аниқ.

Фарҳод битирувчи синф бўлгани учун жон фидо этиб ўқирди. Орзулари баланд. Мақсади эса битта. Олий ўқув даргоҳига кириш. Мактабни аъло баҳога битириши аниқ. Бироқ бечора Фарҳод чучварани хом санаган экан. Давлат имтиҳонини топширган Фарҳод она-тили ва адабиёт фанидан уч олганини кўриб, ҳайрат исканжасида қолди. “Бундай бўлиши мумкин эмас!” - деди пичирлаб. Чунки у мактабда

“Қизил аттестат” олишига ишонарди. Энди-чи?! Асло мумкин эмас. Аммо чиқмаган жондан умид” У шундай деганча Назокат аянинг олдига кирди. Қошларини чимирган ая унинг устидан кулганча:

-Ўқишга боришни ким қўйибди, сенга? Отанг колхозчи, онанг колхозчи. Ўқиб нима бўлардинг?, - деди уялмай. Фарҳоднинг бошидан бир пақир қайноқ сув қуйилгандай бўлди, ўзиям. Лом-мим демай ташқарига отилди. Ўртага анча одам тушса ҳам Назокат ая фикрини ўзгартирмай туриб олди. Аттестатнинг қизили эса Сурайёга тегди.

Фарҳоднинг юраги алам ўтида ёнарди. Сабаби “Қизил аттестат” эмас. Балким ота-онасининг ҳақоратланиши эди. “Наҳот айримларнинг бағри тошдан-да қаттиқ, - деди изтироб билан. Ахир ота-онаси колхозчи бўлса айбми? Ўғримас, ё бировнинг ҳаққини юлиб кун кўрмасалар! Йўқ. Фарҳод ўз ота-оналаридан ҳеч қачон ор қилмайди. Улар тенги йўқ инсонлар. Онаси Назокат аядай дилозор эмас!” Фарҳод илк бора ҳақсизлик исканжасида тўлғонарди. Ноҳақлик тошининг залвори оғир бўлишини ҳис этганди, у! Ўзидан ёмон ўқиган Сурайёга олқишлар бўлганига хафа бўлгани йўқ. Аксинча суюнди ҳам. У негадир Сурайёни жуда ёқтирарди. Гарчи онаси ёмон бўлсада. У зўр бериб ўқишга тайёрланди. “Таваккал”, - дея ҳуқуқшунослик институтига ҳужжат топширди.

“Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса-да, ўн беши ёруғ”, - деганлари рост экан. Фарҳод энг зўр даргоҳнинг талабаси бўлган эди. Аммо Сурайё институт остонасидан ортга қайтди.

Лекин Назокат бу дамда қизини ўйламас, Фарҳоднинг олдида юзи шувутлигидан уяларди. “Энди нима қилади. Лобарнинг кўзига қандоқ қарайди”. У илк бора ўзига разм солди. “Қанчалар пасткаш эканман-а? Ёшлигида дугона бўлган Лобарни “колхозчи” - деб оёқ учида кўрсатибман. Ҳатто кўришгани узатган қўлларини олмаган кунларим ҳам бўлган. Бечора Фарҳодни-чи? “Усти хароб”, - деб хўрлаганларим, фақат қизимни кўз-кўз этишга интилганларим Мана “тегирмон навбати билан экан”. Энди Фарҳод талаба. Эртага эса юрист бўлади. Қандай юзига

қарайман, уни?" У чиндан ҳам ўз қилмишидан пушаймон эди, шу дам. У Фарҳод юрист бўлиб назарга илмай кетишидан қўрқмас, фақат шу дамгача инсонийлик туйғуларидан йироқ эканлигига ачинар, кибр дунёсига ғарқ бўлиб қолган кунларига лаънатлар ўқирди. Қизарган кўзларини ёстиққа босди. У биринчи бора қалбидаги ҳисларга, балки виждони айбловларига қулоқ тутиб йиғлаётган эди.

ГУЛСУМ МОМО

САРАТОН қуёши атрофга аямай нур сочади. Қовжираган ўт-ўланлар бошларини эгганча ерга қапишиб олгандай. Аммо ариқни тўлдириб оқаётган сув қирғоққа бош уриб шилдираб оқиб ётибди. Кўзлари бироз хиралашган Гулсум момо ариққа энгашиб челакни тўлдириб сув олди-да, каттагина харсанг тош устига ўтирди. Ажин босган юзлари анча сўлгин. Кўзлари ҳам маъносиз, бир нуқтага тикилиб қолгандай, гўё! Атроф жим-жит. Фақат шаббодада оҳиста бош чайқаётган мажнунтол шивирию ариқдаги сувнинг шилдираши қулоққа чалинади. Момо узоқ ўтирди. Кейин чуқур "уф" тортди-ю, хаёли бир зумгина ўтмиши томон олиб кетди.

Ўшанда ҳам ёз эди. Гулсум момо юрса оёғидан ўт чақнайдиган ёшгина келинчак. Эри Мамарасул колхозда ҳисобчи, ўзи эса бригадир, пахта деса жонини беради. Иссиқ-совуқ демай ишлар, қўл остидагиларни ҳам тинмай ишлатарди. Аввалига уни ҳамма ҳурмат қила бошлади. Аммо раисбуванинг тинмай олқишлаши-ю, турли мажлислардаги эътибори уни тобора ўзгартирарди. Айниқса кўксига битта орден таққанидан сўнг босар-тусарини билмай қолганди. Аввал ҳурмат қилган одамлар энди ундан чўчир, сал ўзини у ёқ-буёққа ташлаганлар эса Гулсумхоннинг қаҳрига учрарди. Айниқса, хотин-халаж бутунлай юрак олдириб қўйдилар. Бирор кимса ундан ўтиб кийинишга ботинмас, ҳатто у кийган кўйлақдан бирор нусха кийиш ўлим билан тенг. Улдирмаса ҳам ўлгандан баттар қиларди, у!

Тўйи ўтганига эндигина тўрт ой бўлган Санобар Гулсумхоннинг бу савилни кийганини билмай шартта тикиб кийиб олади. Бу атлас Санобарга шунчалик ярашган эдики, хотин-халаж Гулсумхоннинг қаҳридан ҳам қўрқмай унинг атрофида парвона бўла бошладилар.

- Вой айланай, бунча чиройлик бўлмаса-я, - деди ҳайратланган Лобархон унинг устидаги атласни силаб. Санобар эса кулганча:

- Латиф акам олиб келган эканлар, кийиб ол деб қўймадилар-да! Юзларидан ўта олмадим. Шартта тикдим, кийиб олдим.

- Жуда ярашибди ўзингизга, Санобархон. Худди узукка кўз қўйгандай.

Аммо шу пайт Лобархон бургут чангалида қолган чумчуқдай атрофга аланглаб қаради.

- Вой, айланай. Тез бўлинг. Бу матоҳингизни уйга бориб ечиб ташланг. Йўқса, шўрингизга шўрва тўкилди деяверинг. Анави, кузгун ҳам худди шундақасидан кийган-а?!

Санобарнинг ранги оқарди. Оёғига қалтиқроқ киргандай. Ахир бу ҳазил гапмас. Гулсум опа кўрсами, урди худо. Наҳот ўша кийганини билмай қолган бўлсам? Атрофдаги хотинлар ҳам бу сўздан кейин ҳушёр тортдилар. Индамайгина тарқалиб кетишди. Санобар эса уйи томон ошиқар, бўрининг чангалига тушиб қоладигандай илиги қалтирарди. "Намунча уйи узоқ бўлмаса-я? Боягина йўл бўйига қандай чиққанини билмаганди. Энди-чи? Қадамини тезлатгани сари йўли унмайди-я?! Ҳозир келиб қолсам? Йўғ-ей! Унақа бўлмас. У яна бир бор ортига қараб олди. Қарадию, тахтадек қотиб қолди, ўзиям. Ортидан оқ "Волга" қушдай елиб келарди. У ёғини айтиш оғир.

Гулсумхон худди шу пайт туман марказига йиғилишга йўл олганди. Устида ял-ял ёниб турган саккиз тепки атлас. Ўзиям атласмисан, атласда. Гулсумхонни ҳам худо ҳусндан қисмаган, кўчадагилар қадди-қоматига суқланиб қараб қўйишарди. Айниқса раисбува Гулсумга ўзгача меҳр қўйган. Унинг қаттиққўллиги-ю, эркалиги ҳам раисбуванинг ортидан. Мана бугун ҳам раиснинг сутдай оппоқ "Волга"сига ўтириб

туман марказига қараб йўл олди. Аммо оёғи тагидан фалокат чиқишини қайдан билибди дейсиз? Йўл бўйида атласда лов-лов ниб кетаётган Санобарни кўрди-ю, миясига қон қўйилгандай бўлди, гўё! “Латифнинг хотиними?” - деди ғазаб билан ҳайдовчига. Ҳайдовчи ҳам Гулсумнинг феълени билар, мудҳиш воқеа юз беришини сезгандай юраги “шув” этди.

- Билмадим, - деди гўлдираб. Гулсумнинг эса фиғони фалак. Фиқ этиб тўхтаган машинадан тушди-ю, дағ-дағ титраб турган Санобарнинг ёнига келди. “Латифжоннинг хотини”, - деди ичида. Кейин ғазаб билан ҳайдовчига бақирди.

- Боқи, буёққа кел.

Боқи учиб келди, унинг ёнига.

- Бу оймчанинг кўйлагини ечиб ол, - деди ғазаб билан. Бечора йигитни ток ургандай эди. Бироз гўлдираганча:

- Гулсум опа, бу нимаси? - дея олди. Аммо уёғига тили айланмай қолди. Гулсумхон - унга қирғийдай ўткир кўзларини қадаб турарди. “Тамом. Энди бу жодугар: уни ҳам тинч қўймайди. Агар ҳозир айтганини қилмасам ҳолимга маймунлар йиғлаши аниқ. Раисбува орқали тинчитиб юбориши ҳеч гапмас-а? Ахир жонимдан тўйганим йўқ. Кўйлак ечиш бўлса ечамиз-да. Аммо, бегуноҳ аёлни...”.

Гулсумхоннинг кўзига шу дамда ҳеч нарса кўринмас, уни масхара қилган, менсимаган бу аёлнинг тезроқ таъзирини бериб қўйишни ўйларди, холос. Буйруғига бўйсунмай турган бу йигитча ҳам энди қаҳридан четда қолмаслиги аниқ эди.

Боқи қўрқиб кетиб Санобар томон юрди. Бечора келин опани “ҳазил қиляпти” деб ўйлаган эди. Аммо Боқининг ўзи томон келаётганини кўриб нафаси қиса бошлади. Ичида нимадир узилгандай бўлди. Унинг икки ойлик ҳомиласи бор эди, қорнида. Шу дамда қўрқув боис ўз жигаргўшасидан айрилганини билмас, уят ва номус олдида қалт-қалт титрарди.

- Гулсум опа, кечиринг, - деди ялиниб у. Аммо барчаси бекор. Боқи ўзи хоҳламаса ҳам аёл кўйлагига чанг солди. Санобар Гулсумдан бирор нажот йўқлигини билиб қоча

бошлади. Аммо абжир йигит бир сакраб унга етиб олдию, кўзларини юмганча лов-лов ёниб турган атласни чок-чокидан йириб ташлади. Бундан кўнгли тўлган Гулсумхон оппоқ "Волга"га ўтириб марказ томон йўл олди.

Номус исканжасида қолган бечора Санобар боягина яшнаб турган атлас йиртиқларидан яққол кўриниб турган баданини яширишга ҳаракат қилар, юм-юм йиғлаб Гулсумга лаънатлар ўқирди. Кимдир унинг устига юпқагина рўмол ташлади. Судралганча ўрнидан турганди, белидаги оғриқдан "дод", - деганча ўтириб қолди. Уни кўтариб уйига элтиб қўйдилар.

Латиф ҳеч нарсадан беҳабар уйига етиб келганида атрофга қоронғулик тушган, доим дарвоза тагида кутиб оладиган севимли Санобари кўринмасди. Ҳайрон бўлиб ичкарига кирди. Кирди-ю, тахтадек қотиб қолди. Ҳовлидаги бир туп ёнғоқда Санобар осилиб турарди. Эғнида бугун кийган атласи пора-пора. Ёнида эса хат. У хотини томон интилди. Оёқларидан тутди. Муздек эди улар...

Ғазаб отига минган Латиф ярим тунда қўлига болта тутганча ҳайдовчи йигитнинг уйи томон йўл олди. Бечора Боқи ҳам у ёғига, бу ёғига ағдарилиб ухлай олмас, ёш жувоннинг аламли овози қулоғи остидан кетмай қийнарди. Хотини ҳам эрининг безовталигидан ҳайрон. Кўп ўтмай ташқарида нимадир шитирлагандай бўлди. Ва Латиф Боқи томон Бўридай ташланди-ю, қўлидаги болта билан дуч келган жойига ура бошлади. Тунда келган бу фалокатдан тош бўлиб қолган хотин бечора на бақирди, на қоча олди. Шофёрнинг тинчиб қолганини кўрган Латиф Боқининг хотинига кўзи тушди-ю, қонга беланган болтани баланд кўтарди. Кўзларида даҳшат қотган бечора хотин нима гаплигини билмай тилдан қолгандай эди, гўё! Бироқ Латифнинг болта кўтарган қўллари секингина пастга тушди. Ва кўрқув исканжасида ётган хотинга бир қараб қўйганча ташқарига отилди.

Латиф ўша қўлидаги қонли болта билан Гулсум опанинг уйига етиб келганди. Аммо ичкарига киришга юраги дов бермади. Шундоқ ҳам иликлари қаятирар, бир пайтда икки

ўлик кўрган кўзлари даҳшат исканжасида. Санобарнинг муздек оёқлари, ёшгина йигитнинг қонга беланган мурдаси кўнглини беҳузур қиларди. Унинг кўзлари тиниб юзтубан ерга йиқилди.

Юзлари ажин босган Гулсум момо оқаётган сув томон тикилиб, ўтмишнинг аянчли манзараси олдида мунгайиб қолганди. Ўша тонг даҳшатли тонг эди. Шундоқ эшиги тагида қонли болта билан ҳушсиз ётган Латифни аввал шифохонага олиб кетишди, сўнгра қотилликда айблаб, умрбод озодликдан маҳрум этдилар. Ёшгина икки вужуд бевақт хазон бўлди. Аммо ҳеч ким Гулсумга теккани йўқ. Барига ўзи сабабчи эканлигини билар, виждон азоби тинчлик бермасди, унга. Шу сабаб милицияга айбдор эканлигини тан олиб мурожаат этди. Аммо Латиф... У чиндан мард эди. Ҳаммасига айбдор Гулсум эканлигини билса-да, барчасига ўз елкасини тутиб кетаверди.

Гулсум опа! Уч фарзанднинг онаси эди. Кўп ўтмай тўнғич ўғли касал бўлди-ю, бир ҳафтада уни ерга топширди. Сўнг қизи ҳам вафот этди. У энди кичик ўғлидан юрак ҳовучлаб яшар. У бирор кимсага ишона олмасди боласини. Аммо ўғли тўғри йўлда йиқилиб туролмайдиган бўлиб қолди. Онаизор салкам эллик йилдан бери боласи бошида парвона... Инқиллаб, синқиллаб сув ташийди, овқат пиширади. Унинг ўтмиши одамлар ўртасида унутилиб кетган бўлса-да, “Қарғиш теккан бандаман”, - деб бирор кимсага қўшилмас, кўчадаги болалар эса. “Жодугар” - деб ундан кўрқишарди.

Худди шу пайт ариқ бўйида бир тўп болалар пайдо бўлди.

- Ия, Зокир, ариққа яқинлашма, - деди улар орасидаги кимдир. Жодугар кампир шу ерда экан. Қоч, қоч...

Бу сўзларни деярли шивирлаб айтдилар. Аммо Гулсум момо уни аниқ эшитди. Юраги санчди. “Эй худо!”, - деди пичирлаб. “Бу азоблардан қачон халос қиласан. Қарғиш урган банданнинг тезроқ жонини ол!”. Аммо ажал ҳали-

вери шошадиган эмасдек.

Гулсум момо судралиб кетиб борарди, ортидан бир тўп бола қўрққанича тикилиб қолишди.

ҚЎРИҚЧИ

ЎЛМАС кампир қишлоқнинг юраги. Тўй-маъракалар у сиз ўтмасди. Кекса-ю-ёшга маслаҳат берган, у, бузилган оилаларни тиклаган ҳам, дразлашганларни тиклаган ҳам Ўлмас кампир. Аммо худо уни бир томондан қисган. Бефарзанд. “Бир кам дунё!”, деганлари шу бўлса керак-да. Шу сабабли, кўчанинг боласи бари кампирнинг уйида. “Қий-чув”, қилиб ҳовлини бошига кўтаришса ҳам уларга бирор оғиз қаттиқ гапирмайди. “Айтишларича, унинг тўққизта боласи бўлган экан. Аммо улар қирқи чиқмай ўлиб қолганмиш”. Яна ким билади, дейсиз? Кампирни каттакон ити ҳам бор. Туни-кун ёнида. Тўйга борса ҳам, азага борса ҳам. Қишлоқ аҳли унга “Қўриқчи”, - деб ном қўйиб олишган. Хуллас бир воқеа содир бўлдики, бутун қишлоқ ларзага келди. Ва ўша қўриқчининг бошини силаб, “раҳмат” айтди барча.

Ўша куни Ўлмас кампир маҳалладаги Сора бувиникига келди-да, узоқ-яқиндан гаплашиб ўтиришди.

-Вақт ҳам ўтаверар экан-а? - деди хўрсиниб Ўлмас кампир.

-Нимасини айтасан, Ўлмас! Умр деганлари зувиллаб ўтиб кетибди. Эсимизни танигандан буён қанча одам дунёдан ўтиб кетди мана, сену мен ҳам қаридик.

Улар шу тарзда узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Кунни кеч қилай деган Ўлмас кампир кетгиси келмагандай ўрнидан турди. Негадир биринчи марта уйига боргиси келмаганди, унинг. Шундай бўлса-да, бироз энкайганча уйи томон кетди. Ёнида эса “Қўриқчи” думини осилтириб олганди. Негадир доим ўйноқлаб турадиган ит бугун хомушдай.

Ўлмас кампир уйга келдию, бироқ ҳеч ўтиргиси келмай яна ташқарига чиқди. У биринчи бор ёлғизликдан эзилаётган эди. Бир пайтлар бу ҳовлига ёр-ёр садолари остида келин

бўлиб келганди. Чоли раҳматли билан қирқ йил бирга яшашди. Худо уларга фарзанд берди-ю, қўлларига ушлатмади. Бир-биридан ширин тўққиз ўғил қирқи чиқмай кетаверди. “Во дариғ!” Бу айрилиқлар эр-хотиннинг бағрини ўйди. Эрининг қаддини букди. Охир-оқибат ғам адо қилди, уни. У ҳам Ўлмасни ташлаганча кетворди. Аммо Ўлмас номи ўзи билан ўлмас экан. Бorigа чидади. Ўлмади. Қишлоқнинг корига яраш nasib этди, унга. Ана ўшалар фарзанди, унинг. У шу дамда илк бор ёлғизликнинг бутун даҳшати билан ҳис этаётганди. Юраги сиқилиб, дала томон кетди. Бироз у ерларни айланса, юрагининг чигиллари ёзилар. Маккапоялар ичига кирди. Думбулларни қайира бошлади. Аммо шу дам боши айлангандай бўлди. Уфқ қизариб, қуёш ботаётган эди. У ҳам тескари бўлиб қолгандай, гўё. Вожаб, ажал Ўлмас кампирга сездирмай келганди. Унинг лаблари пичирлай бошлади. “ла илаҳа иллаллоҳ”. У уч бора калимасини келтиришга улгурди. Сўнг жўяк ичига бош қўйди.

Атрофни қоронғулик қоплаган. Қишлоқда изғиб юрган мушуклар галаси ҳид олиб дала томон келарди. Аммо “Қўриқчи”нинг важоҳатли кўзлари уларга ғазаб билан тикилди. Улар ортга чекинишди. “Қўриқчи” Сора кампирни уйига чопди. “Эганг қани?” деди Сора кампир итга кўзи тушиши биланоқ. У билардики, доим эгаси билан келарди. Аммо... Ҳозир у ёлғиз!

Сора кампир ва унинг ўғиллари “Қўриқчи”нинг ортидан эргашдилар. Не кўз билан кўришсинки, Ўлмас кампир кулимсираганча мангу уйкуга кетганди.

Азага бутун қишлоқ йиғилди. Тобут қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳамма Ўлмас кампирни сўнгги йўлга кузатгани чиққан. Эшитганки, тобутни бир бор ушлаб, савоб олишга уринарди.

“Қўриқчи” ҳамон кампирнинг ёнида. У шунча одамлар орасида кўзга ташланмаса-да, у билан ёнма-ён борарди.

Сўнгги манзил. Одамлар кампирни бу ерга қўйиб ортга қайтдилар. Аммо “Қўриқчи” ҳамон дўппайган қабр олдида қолди. У Ўлмас кампирни тириклигида қўриқлагандай, қўриқлаб турарди.

ТУШЛАРИМГА КИРМАНГ, ДАДАЖОН

Тун... Осмонда юлдузлар пориллаб нур сочади. Яримта ой қиличдай ярқираб турибди. Узоқдан чириллаётган чигиртканинг овози бутун қишлоқни тутган бўлса-да, сочлари жамалак, кўзлари охуникидай қизчанинг у билан иши йўқ. Унинг кўзлари олис осмонларга қадалган. Хаёллари эса юлдузлар билан баробар. У чуқур хўрсиниб қўйди. Унинг жажжигина юрагини алам ва изтиробнинг чирмоғиқлари чирмаб ётарди. “Нега?”, - деди у пичирлаб. Кейин кўзларидан пилдираганча икки томчи ёш оқиб тушди. У бугун кундузи бўлиб ўтган воқеадан кўнгли чил-чил синган эди.

Биринчи кўнғироқ. Нигора бу кунни узоқ, энтикиб кутди. У худди шу куни бахтиёр-бўлишини сезар, тушларида ҳам оппоққина от қанотида учиб юргандек туюларди. Рост-да у етти ёшга тўлди. Биринчи марта мактабга боради! Аммо у учун янада қувончли бир нарса бор. Айнан шу куни унинг меҳрибон дадажониси кўргани келар экан!!! Нигора ширин энтикиб қўйди. Кўзларини юмганча тасаввур этди.

Аясининг айтишича дадаси жуда чиройли эмиш. Қош-кўзлари худди ўзига ўхшар экан. Аммо... Нигора ўйланиб қолди. “Нега аям билан дадам бирга яшамас экан-а? Ахир Зарнигорнинг дадаси доим уйларида. Бирга яшашади. Қизининг қўлидан етаклаб боққаям олиб бориб туради. Мени-чи? Дадам бир марта қўлларимдан етаклаб юрганми? Йўқ! Ҳатто бирор марта кўрганиям келган эмас. Ё менинг дадам шунчалик ёмонми? Йўқ, йўқ, яхшилар!!! Дадам ҳаммадан яхши. Фақат узоқ-узоқдалар-да! Ишлари жудаям кўп. Лекин мен мактабга чиққан куним албатта келар эканлар. Ўшанда бўйинларига осилиб оламан. “Дадажоним!”, - дейман эркаланиб.

Нигора шу ўй-хаёллар билан кунни санаб ўтказа бошлади. Ҳатто тушларида ҳам кўриб чиқди биринчи кўнғироқни.

Оппоқ кийимда эмиш. Атрофи тўла гуллар. Аяси қўлидан етаклаб олибди. Шунда узоқдан худди ўзига ўхшаган

дадаси пайдо бўлганмиш. У Нигоранинг ёнига келибди-да, шартта кўтариб олибди. Уйғониб қараса, туши. У кўрган тушини аясига айтиб берди. Аяси эса хўрсинганча:

-Даданг келса, маҳкам қучоқлаб олгин-а, Нигора. Кейин қулоғига “Биз билан қолинг”, дегин, ҳеч кимга билдирмай айтгин, - деди. Аясининг кўзлари тўла ёш эканини кўриб қўрқиб кетган Нигора:

-Аяжон йиғламанг, - деди шошганча.

Шу тарзда кунлар ўтди. Нигоранинг хаёлида бир ўй. “Дадам келса, албатта олиб қоламан. Бирга яшаймиз”, - дерди қувониб.

Илк бор мактабга қадам қўйган Нигора шу қадар хурсанд эди-ки, ўзини кўярга жой тополмас, аясининг юзидан ўпиб, бўйнидан қучоқлаб-қучоқлаб оларди. У ҳамма қизлардан чиройли эди. Шу сабабми биринчи қўнғироқни чалишга уни танлаб олишди.

Ўзидан катта, келишган Аброр ака уни елкасига ўтқазиб олди. Ҳаяжонли онлар, безатилган қўнғироқчани маҳкам ушлаганча атрофга боқарди. “Дадам келдимикан?” - деди пичирлаб. У қўлларида гул тутиб турганларга синчиклаб қаради. “Ана Зарнигорнинг дадаси ва аяси ёнма-ён турибди. Улар бирам хурсандки. Уф, аям қаерда экан. Ҳа, ҳа аналар аям!” Нигора “дод”, - деб йиглаб юборай деди. Аяси бир ўзи қўлида гул тутганча унга тикилиб турарди. “Дадам келмабдилар, - деди у хўрсиниб. Аям бечора бир ўзи турибди-я! Ҳамманинг дадаси келган. Аммо менинг дадам йўқ. Қизимнинг биринчи қўнғироғига бораман, - деб қўшниларга айтган эканлар. Лекин ваъдаларининг устидан чиқмадилар. Аям бечора ҳам “даданг келади, қизим!”, - деб хурсанд бўлгандилар. Афсус...”

Худди шу дамда Нигора юрагида нимадир “чирт” этиб узилгандай бўлди. Тушларида эркаланиб юрган дадасини худди шу дамда ёмон кўриб қолганди. Кимдир “Нигора қўнғироқни чал”, - дегандай бўлди. Бироз ўзига келган Нигора қўлидаги қўнғироқни маҳкам ушлади-да, зарб билан чала бошлади. У шу дамда барча аламларини қўнғироқ жарангига тўкиб солаётган эди.

“Дадам ёмон одам! У аямни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб олган. Ҳатто мени ҳам ёмон кўради”, - дерди пичирлаб. Гўё кўнғироқ тилида жарангларди, бу сўзлар! Осмону фалакларга учарди, Нигоранинг қалбидаги фарёди. Унинг кўзларидан ёш оқар, қалби изтироб қучоғида тўлғонарди. У биринчи бор дугонаси Зарнигорга ҳаваси келди. Унинг дадаси елкаларига кўтариб олганди, Зарнигорни.

Худди шу дам аяси бир қучоқ гул билан Нигоранинг ёнига яқинлашди. Қизалоқ тезда кўзидаги ёшини артди. У аясининг шундоқ ҳам ўксиб турган қалбига озор беришни хоҳламасди. “Ўзимнинг меҳрибоним” - деганча аясининг бағрига отилди.

Юлдузларга термулган Нигоранинг хаёлидан худди шулар ўтди, маржондай тизилганча. Яримта ой энди ухла, дегандай деразадан четлашди. У шаҳло кўзларини бир юмиб олди-да, “Энди тушларимга кирманг, дадажон”, - деди пичирлаб. Ва аяжонисининг пинжига кириб кўзларини юмиб олди.



МУНДАРИЖА

Армон.....	3
Оппоқ кабутар.....	6
Тухмат тоши.....	9
Изтироб.....	12
Гулсум момо.....	14
Қўриқчи.....	19
Тушларимга кирманг, дадажон.....	21

Машҳура УСМОНОВА

ОҚ КАБУТАР

(Ҳикоялар)

Муҳаррир: **А.Жаббор**
Техмуҳаррир: **Н.Жабборов**
Мусаҳҳиҳ: **Д.Эргашева**

17.09.2005 йилда теришга берилди. Босишга 22.09.2005 йилда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1-16. Ҳажми 1,5 босма табоқ. 6102-бўйртма. Адади 1000 нусха.

"Фаргона" нашриёти.

712014. Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28–уй.

Ибрат номли босмахона ОАЖ. (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36–уй) да чоп этилди.